



## THE FOUNDATIONS OF SUCCESSION. PRINCIPLES OF SUCCESSION

*Alisher Olimovich Yuldashov*

*judge*

*Intermediate interdistrict court for civil cases*

*Ortachirchik, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Succession, legal basis, inheritance, right.

**Received:** 16.02.24

**Accepted:** 18.02.24

**Published:** 20.02.24

**Abstract:** In this article, an attempt was made to reveal the scientific and legal foundations of succession, the general principles of succession and the law of inheritance.

## ВОРИСЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ. ВОРИСЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

*Алишер Олимович Юлдашов*

*судья*

*Фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро суди*

*Ўртачирчиқ, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Ворислик, қонуний асос, мерос, ҳуқуқ.

**Аннотация:** Ушбу мақолада ворисликнинг вужудга келишининг илмий ва қонуний асослари, ворисликнинг умумий ҳамда қонун бўйича мерос ҳуқуқи принциплари очиқ беришга ҳаракат қилинган.

## ОСНОВЫ ПРЕЕМСТВЕННОСТИ. ПРИНЦИПЫ ПРЕЕМСТВЕННОСТИ

*Алишер Олимович Юлдашов*

*судья*

*Промежуточный межрайонный суд по гражданским делам*

*Ортачирчиқ, Ўзбекистон*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Наследование, правовые основы, наследование, право.

**Аннотация:** В данной статье предпринята попытка раскрыть научные и правовые основы наследования, общие принципы наследования и наследственного права.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1112-моддасига биноан, ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек ушбу Кодекда белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Васият бўйича мерос қолдиришда вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси муҳим аҳамият касб этади. Васиятнома билан мерос қилиб олганда, васият қилувчи ҳар доим ўз иродасини махсус, ягона қонуний тўғри ҳужжат - васиятномада ифодалайди. Васият қилувчининг иродаси асосан васиятнома бўйича меросда ҳисобга олинса-да, қонун чиқарувчи қонун билан белгиланган ҳолларда фақат қонун билан белгиланадиган баъзи саволларга рухсат беради. Шунингдек, қонун бўйича меросга ҳам, васият бўйича меросга ҳам тегишли кўплаб нормалар мавжуд.

Аммо қонун бўйича меросда мерос қолдирувчининг мерос массасини меросхўрларга ўтказишнинг бутун тартиби ва шартлари тўғридан-тўғри қонуннинг ўзида кўрсатилган. Бундай ҳолда, мерос қилиб олинган мулк қонунда кўрсатилган шахслар ўртасида ва унда кўрсатилган қариндошлик ёки ирсий навбатга мувофиқ маълум улушларга бўлинади.

Шуни таъкидлаш керакки, қонун бўйича мерос ҳуқуқий амалиётда васият бўйича меросга қараганда анча кенг тарқалган. Бунинг сабаби, халқимизда асрлар давомида шаклланган одат ва анъаналар ҳамда миллат характери билан боғлиқ. Чунки, азалдан бизда яшаб келинган уй-жой кенжа фарзандга мерос бўлиб ўтган ва ҳеч ким буни васият қилмаган. Катта фарзандлар бирин-кетин бошқа уй-жой қилиб ота уйидан чиқиб кетишган ва ота уйи охириги фарзанднинг мулки бўлиб, ота-оналарини вафот этгунларига қадар парваришlash мажбурият бўлиб келган. Бу бизни миллатимиз қон-қонига сингиб кетган одатлардан бири.

Бундан ташқари, фарзандларини кўнглига қараб, уларни хафа қилмаслик учун ҳам васият қилинмаслиги мерос муносабатлари билан боғлиқ низоларни келтириб чиқармоқда.

Қонун бўйича мерос фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1112-моддасида аниқ кўрсатилганидек, қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаган ёхуд васият бутун мероснинг тақдирини белгиламаганда амалга оширилади. Бунинг сабаблари: а) васият қилувчининг вақти бўлмаганлиги ёки васиятнома қолдиришни истамаганлиги; б) мулкнинг бир қисми васият қилинганлиги; в) агар васиятнома меросхўри васият қилувчидан олдин вафот этганлиги; д) агар васиятнома меросхўри ёки меросхўрлари меросдан бош тортганлиги; е) агар васият қилувчининг иродаси умуман ёки қисман бекор қилинганлиги ҳолатлари бўлса.

Қонун билан мерос қилиб олишда ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш тартиби, шунингдек уларнинг шартлари тўғридан-тўғри қонуннинг ўзида белгиланади ва қатъий риоя қилиниши керак. Қонун бўйича мерос қонунда кўрсатилган шахслар ўртасида тенг улушларда ва фақат белгиланган навбатлар тартибида бўлиниши керак.

Мерос ҳуқуқи фанида мерос олиш учун асос сифатида бошқа ҳолатларни ҳам бўлиши мумкин, масалан: меросни очиш, меросни қабул қилиш ҳуқуқини ўтказиш, меросдан йўналтирилган рад этиш каби. Лекин, уларнинг барчаси иккита умумий асослардан бирининг ёки иккаласининг аралаш қўлланилиши ҳосили ҳисобланади.

Мероснинг ҳақиқий пойдевори учун унинг очилиш фактини, яъни мерос қолдирувчининг ўлимини аниқлаш керак. Айнан шу юридик факт натижасида мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи меросхўрлардан қонун билан ҳам, васият билан ҳам пайдо бўлади.

Мақолада кўриб чиқилган умумий ҳуқуқий асос доирасида - қонунга кўра, зарур бўлганда куйидаги ҳуқуқий фактлар белгиланиши керак: меросхўр ва васият қилувчининг қариндошлик даражаси, эҳтимол уларнинг рўйхатга олиш идораси томонидан рўйхатдан ўтган никоҳдаги ҳолати, қарам мақомига эга бўлган шахснинг мавжудлиги, мерос қолдирувчи ва мерос олувчининг қариндошлиги, уларнинг васият қилувчининг ўлиmidан камида бир йил олдин бирга яшаши, васият қилувчининг ота-онасининг никоҳ ҳолати ва мерос олиш учун бошқа кўплаб хусусий асослар белгиланиши керак.

Эгасиз мулкни давлат томонидан мерос қилиб олишда, барча навбатдаги мерос қилиб олишга чақирилиши мумкин бўлган меросхўрларнинг бўлмаслиги ёки уларнинг меросдан воз кечганлиги, шунингдек, марҳумнинг васиятномаси йўқлиги фактини аниқлаш жуда муҳимдир.

Меросда мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этиш мажбурийдир, фақат унга кўра у васиятномада ҳам мерос қилиб олишга чақирилади (вояга етмаганлар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ногирон қарамоғида бўлган тегишли ҳужжатлар, масалан, ногиронликни тасдиқловчи ҳужжат ва ҳоказо).

Шуни таъкидлаш керакки, мерос олиш учун юқорида айтиб ўтилган асослар хусусийдир ва уларни фақат юридик фан доирасида кўриб чиқиш мумкин, чунки Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида Қонунчилик учун иккита ҳуқуқий асос-қонун ва хоҳиш-ирода (васият) билан аниқ белгиланган. Айни пайтда мероснинг уч ёки undan ортиқ асослари ҳақида гапириш мумкин эмас, гарчи кўплаб тадқиқотчилар ирсий қариндошликни ажратиш учун чалкашиб кетишса ҳам, аслида қонун бўйича мероснинг ўтиши тартибида ҳал қилинади.

Энди, мерос ҳуқуқи тамойиллари тушунчасини ажратиш керак. Мерос ҳуқуқи принциплари мерос ҳуқуқининг энг умумий, йўналтирувчи қоидалари бўлиб, улар барча мерос муносабатлари учун мажбурийдир. Уларни мерос ҳуқуқи принципи ва қонун бўйича мерос принципларига ажратиш керак. Биринчиси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) Ворисликнинг универсаллиги принципи. Яъни, марҳумнинг мулки меросхўрларга фақат ворислик тартибида, яъни бир мақсадда ва бир вақтнинг ўзида ўтиши мумкинлиги назарда тутилади. Мерос массасининг табиати, қўлами ва мазмуни ва меросхўрларнинг унга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ўзгармайди;

б) Қонун бўйича меросдан олдин васият бўйича мероснинг устуворлиги принципи. Ушбу қоида тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1112-моддасида белгиланган бўлиб, қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг тақдирини белгиламаса деб кўрсатилган. Бу тамойил барча мерос ҳуқуқи учун умумийдир, лекин қонун бўйича мерос олиш учун ҳам жуда муҳимдир;

в) Васият эркинлиги принципи. Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120-моддасида очиб берилган бўлиб, унда фуқаро ўзининг барча мол-мулкани ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин дейилган;

г) Индивидуаллик принципи. Ушбу принципни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: хоҳиш-ироданинг индивидуаллиги принципи ва меросни қабул қилишнинг индивидуаллиги принципи. Унинг моҳияти шундаки, васият ҳуқуқи ҳам, мерос олиш ҳуқуқи ҳам индивидуал ҳуқуқлардир ва фақат уларга тегишли ҳисобланади;

д) Меросни қабул қилиш ёки рад этиш эркинлиги принципи. Фуқаролик кодексининг 1147-моддасида меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли меросдан қонуний воз кечиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, сиз маълум бир шахс фойдасига ҳам, ушбу ҳаракатни кўрсатмасдан ҳам, қонун бўйича мерос бўлса – битта навбат доирасидаги меросхўрлар фойдасига рад этишингиз мумкин;

е) Оилавий манфаатларнинг устуворлиги принципи. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 68-боб "қонун бўйича ворислик" нинг ўзи аллақачон оила манфаатларини ҳимоя қилишдир. Ворислик навбатлари нафақат энг яқин қариндошларнинг, балки жуда узоқ даражадаги ворисларнинг мерос ҳуқуқларини ҳам таъминлайди;

ё) Демократия ва тенглик принципи. Бу конституциявий тамойил бўлиб, давлат миллати, жинси, ирқи, оилавий аҳволи ва ҳоказолардан қатъи назар, одамларнинг ҳуқуқ ва

эркинликлари тенглигини кафолатлайди. Шунини таъкидлаш керакки, бу тенг миқдордаги ҳуқуқларни ҳам, тенг миқдордаги мажбуриятларни ҳам назарда тутати;

ж) Мерос-ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш принципи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида келтирилганидек, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади. Унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини инсонийлаштиришда фуқароларнинг ҳуқуқларини бузишга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамланган.

Мерос ҳуқуқининг ушбу умумий принципларидан ташқари, тадқиқотчилар тўғридан-тўғри қонун бўйича мерос тамойиллари билан ажратиб кўрсатишади. Булар:

а) васият қилувчи оиласининг шахсий манфаатлари ва давлатнинг жамоат манфаатларини мақбул бирлаштириш принципи;

б) қариндошлик даражасига кўра баъзи меросхўрларнинг бошқалардан устуворлиги принципи. Ушбу тамойил қонун бўйича ворислик навбатлари тартибида белгиланади, яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошлик даражасидаги қариндошлардан олдин мерос қабул қилиб олади;

с) бир хил даражадаги навбат доирасида ворислар ҳуқуқларининг тенглиги тамойили. Ушбу тамойил - демократия ва тенглик ҳуқуқларидан келиб чиқади.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб, шунини таъкидлаш керакки, қонун бўйича мерос асосларининг мавжудлиги ҳуқуқий воқелик талабларини тўлиқ акс эттиради ва фуқароларнинг ҳуқуқларини жуда кенг амалга оширади. Уларнинг сонини кўпайтириш ёки уларга бирон бир ўзгартириш киритишнинг ҳожати йўқ, чунки Ўзбекистон мерос ҳуқуқи тизими нафақат жамият муаммоларига яқин, балки халқаро ҳуқуқнинг замонавий стандартларига ҳам жавоб беради. Чунки бу фуқароларга мерос ҳуқуқи концепциясининг ҳуқуқий нормаларига таяниб, ўз хоҳиш-иродасини тўлиқ ифода этиш имконини беради.

Шунини инобатга олиш лозимки, айнан бир шахс ворисликка васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам қақририлиши мумкин. Масалан, мерос қолдирувчи мол-мулкнинг бир қисмини қонун бўйича меросхўрга васият қилади, мерос мол-мулкнинг қолган қисмини эса васиятнома доирасидан ташқарида қолдиради. Мол-мулкнинг васиятнома доирасидан ташқарида қолган қисми қонун бўйича меросхўрлар, жумладан васиятнома бўйича мол-мулкнинг бир қисмини олган меросхўр иштирокида тақсимланади.

Универсал ҳуқуқий ворислик-бу мероснинг ўзгармаган шаклда, яъни мерос мол-мулк таркибига кирган барча нарсаларнинг вафот этган шахсга тегишли бўлган вақтда мавжуд ҳолат, аҳвол ва турда бошқа шахсларга ўтишини англатади. Ўтказилаётган мулк ҳуқуқ

ва мажбуриятлар ҳам ўз мазмунини ўзгартирмайди. Ҳуқуқ меросхўрни мерос қолдирувчи эга бўлган ҳуқуқлар ҳажмини амалга ошириш мумкинлиги (мажбурият эса зарурлиги) билан таъминлайди. Бунда мерос қолдирувчининг мажбуриятларини рад этган ҳолда, фақат ҳуқуқларини мерос қилиб олиш мумкин эмас. Ворислик умумий ёки универсал ҳуқуқий ворисликни ўзида ифодалайди, чунки меросхўрга бирор-бир алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлар эмас, балки ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни таъминлашнинг жами услублари ва ўзида мавжуд бурчлар юклари (қийинчилик)лари билан бирга уларнинг бутун мажмуи ўтади. Шу ўринда улар нафақат яхлит бир бутун сифатида, балки айнан бир вақтда ўтади. Универсал ҳуқуқий ворисликни хусусий ёки сингуляр ҳуқуқий ворисликдан фарқлаш лозим, чунки кейингисида ворис фақат ҳуқуқ ёки мажбуриятларнинг алоҳида гуруҳини қўлга киритади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати :**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т., Адолат-2023 й.;
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси Т., Адолат-2022 й.;
3. Ворислик ҳуқуқи. Амалий қўлланма. Х.Ёдгоров ва бошқалар муаллифлигида. Т.: "Бақтрия" 2017 йил.;
4. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. II қисм. Дарслик – Т.: ТДЮУ, 2019.;
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ. – Т.: Бақтрия-пресс. 2013.